

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАСИРОВА ЗЕБИНИСО АЗИЗОВНА

**КЕСАР КЕСИШДАН КЕЙИН АЁЛЛАРДА ҚАЙТАР
КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛЛАРИНИНГ БАЪЗИ
КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Насирова Зебинисо Азизовна

Кесар кесишдан кейин аёлларда қайтар контрацепция
усулларининг баъзи клиник-лаборатор жиҳатлари..... 3

Насирова Зебинисо Азизовна

Некоторые клиничко-лабораторные аспекты обратимых методов
контрацепции у женщин, перенесших кесарево сечение..... 23

Nasirova Zebiniso Azizovna

Some clinical and laboratory aspects of reversible methods of
contraception in women who have undergone cesarean section..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАСИРОВА ЗЕБИНИСО АЗИЗОВНА

**КЕСАР КЕСИШДАН КЕЙИН АЁЛЛАРДА ҚАЙТАР
КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛЛАРИНИНГ БАЪЗИ
КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib391 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Негмаджанов Баходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аскеров Арсен Аскерович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34; e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда акушерлик соҳасида замонавий технологияларнинг қўлланиши ва такомиллашуви кесар кесиш операциясига кўрсатмаларнинг кенгайишига олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ҳозирги кунда «...кесар кесиш – энг кўп тарқалган оператив амалиётлардан бири ҳисобланади...»¹. Кесар кесишдан кейин замонавий контрацепциядан фойдаланиш аёллар ва болалар саломатлигини сақлашга, оналар ва гўдаклар ўлимини пасайтиришга ҳамда оилани режалаштиришни таъминлашга имкон бермоқда, яъни оналар ўлимини 358 000 дан 105 000 гача, неонатал ўлимни 3,2 млн.дан 1,5 млн.гача, исталмаган ҳомиладорликлар сонини 75 млн.дан 22 млн.гача камайганлиги аниқланган. Шу муносабат билан аёлларда ҳомиладорликлар орасидаги интервални узайтириш мақсадида ҳамда кесар кесишдан кейин аёлларда қайтар контрацепциянинг самарали усулларини қўллаш ва ушбу усулларнинг баъзи клиник-лаборатор жиҳатларини аниқлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ҳомиладорлик вақтида юзага келадиган ҳолатлар, жумладан, кесар кесиш операцияси тактикаси ва операциядан кейин аёлларда қайтар контрацепция усулларининг клиник-диагностик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада кесар кесиш ўтказилган аёлларнинг репродуктив ахлоқи ва контрацепция усуллари ҳақидаги ахборотга эга эканлигини аниқлаш, туғруқдан кейинги даврда ва интервалли вақтда буюрилган контрацепциянинг қайтар усуллари - бачадон ичи воситаси (БИВ) ва соф прогестинли контрацепция (СПК) мақбуллиги, ножўя таъсири ва асоратларни келтирувчи хавф омилларини аниқлашган ҳолда акушерлик тактикани такомиллаштириш ечимга муҳтождир. Илмий изланишлар интраоперацион киритилган бачадон ичи воситасининг аёллар жинсий аъзолари микробиотаси ҳамда гуморал иммунитет ҳолатига таъсирини аниқлаш ва уларнинг клиник кўринишлар билан боғлиқлигини асослашдан иборат. Шулар билан бирга кесар кесиш ўтказган аёлларда қайтар контрацепциянинг дифференцирланган қўлланилиши натижасида аёллар соғлиғини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга

¹ Захарова И. Н. и др. Кесарево сечение – от античности до нашего времени //Педиатрия. Приложение к журналу Consilium Medicum. – 2018. – №. 2. -С. 24-32

ошириш»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда репродуктив ёшдаги аёлларда туғруқ жараёнида келиб чиқадиган хавфларни эрта ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларни камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларининг кўплаб тадқиқотлари натижасида кесар кесишдан кейин бачадон ичи воситасини қўллашда иммунологик тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар кам ва бир-бирига қарама-қарши. Шу билан бирга, адабиётларда БИВни эрта киритишнинг умумий иммунитет ҳолатига таъсири ҳақида аниқ маълумотлар ҳам мавжуд эмас. Илмий адабиётларда репродуктив аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари юзага келишида етакчи ўринни контрацепция воситалари эгаллаши кўрсатилган, улар фонида яллиғланиш касалликларининг юзага келиши 25,9–31,8%ни ташкил этиши таъкидланади (Wildemeersch D., Goldstuck N.D., Hasskamp T., 2016; Singh S. et al., 2017).

Илмий адабиётларда, айнан P.Senanayake ва D.Kramer дунёнинг бир неча давлатларида ўтказилган 25та тадқиқот маълумотларининг таҳлили асосида: бачадон ичи воситаси қўйилган аёллар кичик чаноқ яллиғланиш касалликлари ва найли бепуштликнинг юзага келиши бўйича хавф гуруҳи ҳисобланади, деган хулосага келишди. Уларнинг натижалари бўйича бачадон ичи воситаси фонида кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари хавфи бачадон ичи контрацепциясидан фойдаланмайдиган аёлларга нисбатан 9 марта юқоридир. Бундай тадқиқотлар бутун дунёда БИВ усули қўлланилишининг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлди (Samuel E., Myers E., Morse J., 2017; Maged A.M. et al., 2018). Аммо, кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бачадон ичи воситасини киритишнинг биринчи

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

хафтасидан ташқари, кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларининг юзага келиш хавфи барқарор жинсий ҳаёт кечирувчи ва бошқа жинсий шериклари бўлмаган аёлларда камроқ намоён бўлади. Кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари юзага келишининг бирмунча катта эҳтимоли бачадон ичи воситасини киритгандан сўнг, дастлабки 20 кундагина кузатилади, 3-4 ойдан сўнг вужудга келувчи яллиғланишли касалликлар бу контрацептивнинг киритилиши билан боғлиқ эмас, балки бошқа сабабларига эга (Кнарке L., Hade E., Isley M.M., 2020).

Ўзбекистонда Ф.М.Аюпова (2017), М.Х.Каттаходжаева (2018), У.М. Юсупова (2019), М.Т.Хамдамова (2020) ва бошқаларнинг бу борадаги тадқиқотлари диққатга сазовордир, бироқ кесар кесишдан кейин аёлларда қайтар контрацепция усулларининг баъзи клиник-лаборатор жиҳатларининг таҳлилига қаратилган илмий тадқиқотлар кам ўтказилган.

Бугунги кунда соҳада орттирилган тажриба ва олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотларни эътиборга олиб, абдоминал туғруқдан кейинги қайтар контрацепцияни дифференцирланган қўлланилиши дастурини такомиллаштириш, ҳамда исталмаган ҳомиладорликлар сонини камайтириш, кесар кесишдан кейинги аёлларда репродуктив саломатликни сақлаш масаласи акушерлик ва гинекологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ, №ПЗ-2018-090921394 «Оналик ва болалик соғлигини ҳимоя қилишнинг худудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» (2014-2018 йй) илмий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади кесар кесиш ўтказилган аёлларда қайтар контрацепциянинг дифференциал қўлланилиш усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кесар кесиш ўтказилган аёллар репродуктив ахлоқи ва контрацепция усуллари ҳақидаги ахборотга эга эканлигини баҳолаш;

кесар кесиш вақтида ва интервалли даврда буюрилган контрацепциянинг қайтар усуллари - бачадон ичи воситаси (БИВ) ва соф прогестинли контрацепция (СПК) мақбуллиги, ножўя таъсири ва асоратлари клиникасини қиёсий баҳолаш;

интраоперацион киритилган бачадон ичи воситасини аёллар жинсий аъзолари микробиотаси ва гуморал иммунитет ҳолатига таъсирини баҳолаш;

аёлларда абдоминал туғруқдан кейинги қайтар контрацепцияни дифференцирланган қўлланилиши дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йилларда Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқ комплекси назоратида бўлган 500 нафар аёл ижтимоий сўровнома учун ҳамда кесар кесиш операциясини ўтказган 149 нафар аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кесар кесиш операциясини ўтказган аёлларда умумклиник ва иммунологик тадқиқотлар учун вена қони ва зардоби ҳамда бактериологик тадқиқотлар учун қин ва бачадон бўйинчаси ажралмалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, бактериологик, иммунологик, тиббий-ижтимоий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кесар кесишдан кейин аёллар репродуктив ахлоқи ва саломатлик ҳолатига соф прогестинли контрацепция (СПК) қўлланилиши бачадондан ациклик қон кетиши, бачадон ичи контрацепция (БИК) қўлланилиши эса, организмнинг компенсатор ҳимоя имкониятлари фаоллашуви натижасида қорин пастидаги оғриқ, экспульсия, ҳайз функциясининг бузилиши каби салбий таъсир қилиши аниқланган;

кесар кесишдан кейин бачадон ичи воситаси интраоперацион киритилган ва киритилмаган иккала ҳолатда аёллар қинининг микробиотаси таркибида *Staphylococcus spp.*, *Ent. Faecalis*, *Enterobacteriaceae spp.*, *C.albicans*, *G.vaginalis* каби микроорганизмлар сонининг ортиши исботланган;

кесар кесиш ўтказилган аёллар иммун тизими гуморал бўғинидаги ўзгаришлар натижасида $IL-1\beta$ ва $IL-8$ цитокинлар миқдор кўрсаткичлари юқори даража бўлиши билан йирик катталиқдаги айланиб юрувчи иммун комплекслар (АИК) миқдорининг ишонarli ортиши ўзаро пропорционал боғлиқлиги исботланган;

аёлларда абдоминал туғруқдан кейин қайтар контрацепция усуллари: соф прогестинли контрацепция ва бачадон ичи воситаларини индивидуал қўллаш дастури ишлаб чиқилган ҳамда баъзи клиник-лаборатор текширувлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туғилишлар сони юқори бўлган ҳудудларда кесар кесиш ўтказилган аёлларнинг репродуктив ва саломатлик ҳолатларига ижобий ва салбий таъсир қилиш омиллари аниқланган;

тиббий-ижтимоий сўровлар асосида юқори туғилиш ҳудудларида кесар кесиш ўтказилган аёлларнинг репродуктив ва саломатлик ҳолатига қайта ҳомиладорликни кечиктириш ҳамда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш ижобий таъсир қилиши аниқланган;

кесар кесиш ўтказилган аёллар соғлиғига контрацепциянинг ножўя таъсири табиати ва даражаси контрацепция усулига боғлиқлиги баҳоланган;

аёлларда абдоминал туғруқдан кейинги қайтар контрацепцияни дифференцирланган қўллаш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда

маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кесар кесишдан кейин аёлларда қайтар контрацепция усулларининг баъзи клиник-лаборатор жиҳатларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратилган, кесар кесишдан кейин аёллар репродуктив ва саломатлик ҳолатига гормонал (СПК) ва бачадон ичи (БИК) контрацепция қўлланилиши салбий ёки ижобий таъсир қилиниши аниқланган ҳамда иммун тизими гуморал бўғинидаги IL-1 β ва IL-8 цитокинлар миқдорининг юқори даража бўлиши билан йирик катталиқдаги АИК миқдори ишонарли ортишининг ўзаро боғлиқлиги ушбу патология патогенези янги жиҳатларини очиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туғилишлар сони юқори бўлган ҳудудларда кесар кесиш ўтказилган аёлларнинг репродуктив ва саломатлик ҳолатларига ижобий ва салбий таъсир қилиш омиллари аниқланганлиги, аёллар соғлиғига контрацепциянинг ноҳўя таъсири табиати ва даражаси контрацепция усулига боғлиқлиги ҳамда аёлларда абдоминал туғруқдан кейинги қайтар контрацепцияни дифференцирланган қўллаш дастури ишлаб чиқилганлиги аёллар репродуктив ҳолатини сақлаб қолиши ва ҳаёт сифатини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кесар кесишдан кейин аёлларда қайтар контрацепция усулларининг баъзи клиник-лаборатор жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кесар кесиш ўтказилган аёлларнинг репродуктив ва саломатлик ҳолати, қайта ҳомиладорликни кечиктириш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Абдоминал туғруқдан кейин аёлларда қайтар контрацепция усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 мартдаги 8н-з/106-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кесар кесиш ўтказилган аёлларда контрацепциянинг самарали, хавфсиз ва қайтар усулларини қўллаш ҳомиладорлик режасини самарали амалга ошириш имконини берган;

кесар кесишдан кейин аёлларнинг саломатлик ҳолатига индивидуал ёндашув, ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Замонавий акушерликда кесар кесиш операцияси усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 мартдаги 8н-з/106-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кесар кесиш ўтказилган аёлларда операциядан сўнг репродуктив фаолиятни сақлаб қолиш, келажакда соғлом фарзанд кўриш ва оилани амалда самарали режалаштириш имконини берган;

кесар кесишдан кейин аёлларда қайтар контрацепция усулларини индивидуал ёндашувлар асосида қўллаш, репродуктив саломатликни сақлашга қаратилган тадқиқот натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига,

жумладан, Республика репродуктив маркази Самарқанд филиалига, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқхонаси ҳамда Окдарё тумани тиббиёт бирлашмаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 апрелдаги 8н-з/77-сон маълумотномаси). Олинган натижалар аёлларда операциядан кейинги даврда контрацепциянинг арзон ва узоқ муддатли усуллари қўллаш, режалаштирилмаган ҳомиладорлик, сунъий ва ўз-ўзидан содир бўладиган абортлар сонини камайтириш билан интергенетик интервални узайтиришга, она ва ҳомила учун салбий оқибатларсиз кечадиган кейинги ҳомиладорлик режасини тузишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 12 та мақола, улардан 10 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумот берилган

Диссертациянинг «**Аёлларнинг кейинги репродуктив хатти-ҳаракатида кесар кесиш операциясининг таъсири, ҳозирги замон контрацепция воситаларининг ўрни**» деб номланган биринчи бобида кесар кесишдан кейин аёлларнинг репродуктив хатти-ҳаракатлари, кесар кесишдан кейин контрацепциянинг турли усуллари самарадорлиги, мақбулликка замонавий қарашлар ва абдоминал туғруқ ҳамда контрацепциянинг аёллар иммунитетига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Текширилган аёлларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ кесар кесишдан кейинги 149 нафар аёллар текширувдан ўтказилган.

Илмий изланиш дастури Самарқанд тиббиёт институтининг ДКТФ «Акушерлик ва гинекология» кафедраси ва Самарқанд шаҳридаги 2-сон туғруқ мажмуида амалга оширилган. Иммунологик текширувлар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти қошидаги Фундаментал иммунология лабораториясида амалга оширилган.

Тадқиқотда қилиниши керак бўлган акушерлик ва гинекологик текширувларда лаборатор, сонографик, бактериологик ва иммунологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Олинган натижаларга Excel 7,0 дастури, шунингдек, Statistica 6,0 амалий дастури ёрдамида статистик ишлов берилган.

Диссертациянинг **«Кесар кесишдан кейин аёлларда контрацепциянинг турли усуллари қўллаш бўйича ретроспектив ва проспектив таҳлил натижалари»** деб номланган учинчи бобда кесар кесиш операциясини ўтказган аёлларда репродуктив ахлоқининг хусусиятлари ва контрацепция усулларида хабардорлигини ўрганиш мақсадида, диссертант томонидан уларнинг ижтимоий-гигиеник тавсифномаларини ҳисобга олган ҳолда, Самарқанд шаҳридаги 500 нафар аёл ўртасида сўровнома ўтказилган: 320 нафари кесар кесишдан кейинги аёллар (асосий гуруҳ) ва 180 нафари табиий туғруқ йўллари билан туққан аёллар (назорат гуруҳи). Тадқиқот усули: ёзма тўлдириладиган анкета ва Google forms компьютерли сўровнома кўринишида таклиф этилган махсус тузилган сўровнома бўйича ретроспектив таҳлил ҳисобланди. Ўтказилган ижтимоий тадқиқот таҳлили КК операциясини ўтказган аёллар ҳамда табиий туғруқ йўллари орқали туққан аёллар ўртасида ўрганилган тавсифномалар бўйича тафовутлар аниқланмади ($p > 0,05$). Иккала гуруҳдаги аёллар тенг нисбатда гинекологик касалликлардан азият чекишган ($p > 0,05$). ККни ўтказган аёлларда сурункали экстрагенитал касалликлар юқори даражали миопия туфайли кўпроқ қайд этилган ($p < 0,05$). Репродуктив хатти-ҳаракатлар таҳлилида оилада болалар сони жиҳатидан фарқлар аниқланмади: икки болали оилалар кўпроқ бўлган (асосий гуруҳда 48,4% ва назорат гуруҳида 56,6%) ($p > 0,05$). Аммо ККни ўтказган аёлларнинг репродуктив ҳаракатини баҳолай туриб, асосий гуруҳдаги 45% ва назорат гуруҳидаги 52% аёлларнинг учинчи ва тўртинчи фарзандини дунёга келтиришга ижобий қарашлари қайд этилди, бунда кўпчилик аёллар қайта ҳомиладорликни ҳозирги туғруқдан сўнг яқин уч йилдан кейинга қолдиришни маъқул кўришади.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, оператив туғруқлардан кейин кўкрак билан эмизишнинг давомийлиги камроқ бўлган ($p < 0,01$), кесар кесишдан ярим йил ўтгач, ҳар иккинчи аёл (50%) лактация бузилганлиги сабабли кўкрак билан эмизишни тўхтатган ва 50,6% аёлда, шу вақтга келиб, ҳайз цикли тикланган. Шундай қилиб, оператив туғруқлардан кейин ЛАУнинг контрацепция сифатида қўлланилиши чегараланади.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги 21,6% аёллар оператив туғруқдан кейин артифициал аборт қилдиришган, бу ҳолат эса назорат гуруҳидан кўра камроқ ($p < 0,05$). Аммо иккала гуруҳдаги ҳар

иккинчи аборт туғруқдан кейин биринчи йилда амалга оширилган (мос равишда 60,9% ва 55,2%) ($p < 0,05$).

Контрацептив ҳаракатларни ўрганишда, иккала гуруҳда ҳам туғруқдан кейинги биринчи йилда контрацепция усулларини қўллаган аёлларнинг умумий сони бўйича тафовутлар аниқланмади ($p < 0,05$). Аммо бу даврда асосий гуруҳдаги аёллар (28,1%) назорат гуруҳидаги аёлларга (39,4%) нисбатан БИВни камроқ қўллашган ($p < 0,01$). Асосий гуруҳдаги 39% аёллар контрацепциянинг паст самарали усулларида фойдаланишган. Натижада, паст самарали воситаларнинг қўлланилиши мазкур гуруҳдаги аёлларда исталмаган ҳомиладорлик ва абортлар сонининг кўпайишига олиб келган.

Таҳлилларга кўра, иккала гуруҳдаги фақат 11-24% аёлларгина тиббий ходимлардан контрацепция воситалари ҳақида маълумот олишган ва бу аёллар кўпинча БИВ ҳамда гормонал контрацепция каби контрацепциянинг юқори самарали усулларида фойдаланишган.

Шундай қилиб, ККдан кейин аёллар кўпчилик ҳолларда кейинги боланинг туғилишини 2-3 йилдан кейинга қолдиришни хоҳлашади, аммо шу билан бирга, улар антенатал ва туғруқлараро даврда контрацепциянинг замонавий усуллари қўлланилиши ҳақида ишонарли маълумотларга эга эмаслар. Контрацепция усулларининг кенг қўлланилиши учун ҳомиладорлар, туғувчи ва тукқан аёллар ўртасида фаол маслаҳатлар бўйича нафақат туғруқхона ходимларини, балки соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғинини, шунингдек, ОАВ ларни жалб қилган ҳолда, ишларни яхшилаш талаб этилади. ККни ўтказган аёллар учун контрацепциянинг замонавий юқори самарали усулларининг қўлланилиши нафақат интергенетик интервални сақлаш гарови, балки абортлар профилактикаси, оқибатда эса, саломатликни сақлашнинг гарови ҳисобланади.

Олинган маълумотларга асосланиб, кесар кесишдан кейин аёлларда контрацепциянинг турли усуллари қўлланилганда клиник ва ножўя таъсирлар ўрганилган. Кесар кесиш операциясини ўтказган 149 та аёллар 4 та гуруҳга бўлинган: 1- гуруҳни БИВ интраопреацион қўлланилган 40 та аёл, 2-гуруҳни БИВ интервалли (операциядан кейин 6 ҳафта ўтгач) киритилган 36 нафар аёллар, 3-гуруҳни СПОК қабул қилувчи 38 нафар аёллар ва назорат гуруҳини 35 та кесар кесиш операциясини ўтказган ва қайтар контрацепция усулидан фойдаланмаган аёллар ташкил қилишган.

Бачадон ичи контрацепцияси фонида 6 ойгача табиий озиклантириш кўрсаткичи 61,8%ни, 1 йилгача эса 36,8%ни ташкил этди. КК операциясидан кейин БИВ киритилган 55,3% аёлда ва СПОКни қўллайдиган 47,4% аёлда ҳайз цикли тикланган. Шу вақтгача назорат гуруҳида ҳайз цикли 51,4% аёлларда тикланган (1-жадвалга қаранг). 12 чи ойга келиб, ҳайз циклининг тикланиши иккала гуруҳдаги барча аёлларда кузатилди.

Ҳам постплацентар, ҳам интервалли киритилган БИВни қўллайдиган 61,8% аёлда ҳеч қандай ножўя реакциялар кузатилмаган.

Операциядан кейин лактация ва ҳайз циклининг тикланиши ($M \pm m$)

Кўрсаткич	1-гурӯх	2-гурӯх	3-гурӯх	Назорат гурӯҳи
Лактациянинг ўртача давоми	7,9±0,6	7,8±0,7	7,4±0,7	7,7±0,8
Ҳайз цикли тикланишининг ўртача муддати	6,1±0,6	5,8±0,6	5,9±0,6	6,1±0,7

1- расмда кесар кесиш ўтказилган аёллар БИВни қўллаганда келиб чиқадиган ножўя реакцияларнинг учраш сони келтирилган.



1-расм. БИВни қўллаганда келиб чиқадиган ножўя таъсир ва асоратлар (%да)

Расмдаги маълумотларни таҳлил қила туриб, шундай фикрга келамизки, БИВни қўллаганда энг кўп учрайдиган асорат – давомийлиги ва ифодаланиши турлича бўлган қорин пасидаги оғриқдир. Кўпгина аёлларда оғриқ симилловчи бўлиб, белга узатилган, баъзиларда – БИВ киритилган вақтнинг биринчи кунлари ёки ҳайз даврида хуружсимон бўлган.


Гурӯҳда оғриқ синдромининг учраш сони ўртача 15,8%ни ташкил этган, аммо оғриқ БИВ интраоперацион киритилган аёлларга нисбатан интервалли киритилган аёлларда 12,2% га кўпроқ кузатилган. Оғриқ ВАШ рейтинг шкаласи бўйича таҳлил қилинди: 8% аёлларда 1-2 балли, 2% аёлда 3-4 балли оғриқлар бўлиб, оператив туғруқнинг биринчи суткасига тўғри келган.

БИВ қўлланилганда салбий таъсирнинг учраш ҳолатлари бўйича иккинчи ўринни уларнинг экспульсияси (5,3%) эгаллаган. Бунда экспульсия БИВ постплацентар киритилган аёлларда фақат 2 ҳолатда (5%), БИВ интервалли киритилган аёлларда –5,6% кузатилган. Эътиборли жиҳати шундаки, экспульсия рўй берган барча аёллар кўп марта туққан аёллар (3-4-туғруқлар) бўлиб, улардан икки нафарида БИВ экспульсияси 2 ойдан сўнг, бир нафарида контрацептив киритилганнинг 4-ойида содир бўлган. Шунинг таъкидлаш лозимки, БИВ интервалли киритилган аёллар гурӯҳида ҳам экспульсия оғир анамнезли аёллар кузатилган. Барча аёллар анамнезида 3-4 та тиббий аборт мавжуд бўлган. Мазкур гурӯҳдаги аёлларда, қисман,

экспульсия БИВ киритилгандан кейин биринчи ойда рўй берган, бошқа бир аёлда тўлиқ экспульсия БИВ киритилгач, 4 ойдан сўнг содир бўлган.

Ножўя таъсирнинг учраш сони бўйича учинчи ўринда ҳайз функциясининг бузилиши туради, бу ҳолат БИВни қўллайдиган 76 нафар аёлдан атиги 6 нафарида юзага келган (7,9%), ҳайзаро қонли ажралмаларнинг учраш ҳолатлари иккала гуруҳда ҳам деярли бир хилда кузатилган (мос равишда 5% ва 5,6%) ($p>0,05$). Диссертант томонидан олиб борилган мазкур тадқиқотда БИВ интраоперацион киритилганда асоратлар кузатилмади, фақат бир неча нафар аёллар сезиларсиз даражадаги оғриқ, ажралмалар ва номунтазам қон кетишлар (25%) каби ножўя таъсирларни қайд этишган.

Исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш учун «Лактинет» соф прогестинли контрацепцияни қўлловчи аёллар гуруҳида ножўя ҳолатлар ва асоратларнинг умумий учраш сони БИВни қўллайдиган аёллардан сезиларли даражада фарқ қилмаган, аммо ножўя реакциялар доираси ўзига хос бўлган (2-расмга қаранг).




2-расм. Соф прогестинли орал контрацепция қабул қилувчи аёлларда кузатилган ножўя таъсир ва асоратлар (% да)

2-расмдан кўришиб турибдики, «Лактинет» қабул қилувчи 38 нафар аёлдан фақат 14 нафарида ножўя реакциялар қайд этилган, улардан 10 нафар аёлда «Лактинет» қабулидан сўнг ҳайз функциясининг бузилиши рўй берган. 24 нафар аёлда (63,2%) орал гестагеннинг қўлланилиши эса уларнинг соғлиғида ўзгаришларни келтириб чиқармаган.

Ножўя реакциялар ва асоратлар иккала гуруҳда деярли бир хил миқдорда аниқланган (мос равишда, 36,8% ва 25,7%). Фақат КК ўтказилган ва СПОК қабул қилувчи аёлларда ациклик бачадондан қон кетишлар, назорат гуруҳидаги аёлларга қараганда, деярли уч марта кўпроқ кузатилган (мос равишда, 26,3% ва 8,6%) ($p<0,05$). «Лактинет» қабул қилувчи аёлларда ҳайз функциясининг бузилиши меъёрдаги ҳайз тугагандан кейин бир неча кун давомида, асосан, суртилувчи қонли ажралмалар билан намоён бўлган.

КК ўтказилган аёлларда соф прогестинли контрацепцияни қўллаш жараёнида тана вазни ўртача кўрсаткичларининг ўзгариши кўпчилик аёлларда (87%) кузатилмаган ($P>0,5$) (3- расмга қаранг).

КК ўтказилган кўпчилик аёлларнинг (89%) СПОК қабулини 12 ой давомида динамик кузатишда тана вазнининг ўртача кўрсаткичи дастлабки вазнига – $60,8\pm 4,3$ кг бўлган, 3 ойдан кейин ҳам – $61,0\pm 3,8$ кг ва 6 ойдан кейин ҳам – $61,0\pm 4,1$ кг ишончли тарзда ўзгармаган ($p>0,05$). СПОКни қўллашнинг 12чи ойига келиб, тана вазнининг ўртача кўрсаткичи дастлабки кўрсаткичга нисбатан пасайиб, $60,7\pm 4,3$ кг ни ташкил қилган, аммо бу ўзгаришлар ҳам статистик жиҳатдан ишончли бўлмаган ($p>0,05$). 3 нафар аёл, 6-ойга келиб, воситани қабул қилишдан бош тортишган, чунки уларнинг вазнига 3,2 – 3,5 кг қўшилган.



3- расм. Соф прогестинли орал контрацепцияни қўллаш негизда тана вазнининг ўртача кўрсаткичлари динамикаси

СПОКни қўллашнинг ягона ноқулайлигини барча аёллар воситани ҳар куни бир вақтда қабул қилиниши кераклигида, деб таъкидлашди.


Шундай қилиб, контрацепциянинг самарадорлиги, ноҳўя реакцияларнинг қисқа вақт давом этиши ва сезилмас даражада ифодаланганлиги БИВ ҳамда «Лактинет»ни абдоминал туғруқдан кейин постплацентар ва интервалли қўллашга имкон беради.

Репродуктив тизим ҳолатига контрацепциянинг қайтар усуллари таъсирини ўрганиш учун операциядан кейинги даврда 149 та аёлда, 12 ой давомида кичик чаноқ аъзоларининг динамик ультратовушли текшируви ўтказилган.


Репродуктив тизим аъзолари ҳолатини илк баҳолаш контрацептивни қўллашни бошлагандан 6-8 ҳафтадан сўнг, кейин эса 3-6-12 ой ўтиб ўтказилган. БИВнинг жойлашувига, БИВнинг юқори четидан бачадон тубигача бўлган катталикларнинг ўзгаришига, БИВ ва эндометрийнинг юқори қавати орасидаги масофага алоҳида эътибор берилган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, операциядан кейинги даврда эхографик кўрсаткичлар динамикада ўзгарган ва қўлланилган контрацептив воситага маълум даражада боғлиқликда бўлган.


4-расмда келтирилган маълумотларга кўра, назорат гуруҳидаги аёлларда бачадон танасининг ўртача узунлиги туғруқдан кейинги 12чи ойга келиб, $59,8 \pm 12$ мм га етган. Қуйидаги 4,5,6-расмлардан кўришиб турибдики, «Лактинет» воситаси қўлланилганда бачадон ўлчамларининг эхографик кўрсаткичлари кичрайган: бачадон узунлиги $68,9 \pm 2,4$ мм дан $56,4 \pm 0,8$ мм гача ($p < 0,01$), олдинги-орқа ўлчам $49,7 \pm 2$ мм дан $37,1 \pm 1,1$ мм гача ($p < 0,01$), бачадон кенглиги $68,1 \pm 1,8$ мм дан $55,3,1 \pm 0,6$ мм гача ($p < 0,02$). Соф прогестинли контрацепцияни қўллашнинг 12чи ойига келиб, бу кўрсаткичлар бошқа гуруҳлар билан таққосланганда ишончли тарзда фарқ қилган ($p < 0,01$; $p < 0,01$). БИВни постплацентар ва интервалли қўллаш жараёнида бачадоннинг ўлчамлари 12чи ойга келиб, деярли бир хилда кичрайган.



4-расм. Бачадон узунлиги (мм)




5-расм. Бачадон кенглиги (мм)




6-расм. Бачадоннинг олдинги-орқа ўлчами

Операциядан кейинги давр ошгани сайин бачадоннинг барча ўлчамлари биринчи гуруҳдаги аёлларда ҳам, иккинчи гуруҳдаги аёлларда ҳам аста-секин

кичрайгани ва 12чи ойга келиб, минимал кўрсаткичларга эга бўлгани кузатилган. БИВли аёлларда М-эхо катталигининг таҳлили шуни кўрсатдики, БИВ постплацентар киритилган ва БИВ интервалли киритилган аёлларнинг эндометрий ўзгаришида сезиларли фарқлар кузатилмаган. Бачадон ичи контрацепциясини қўллаш жараёнида бачадондаги инволютив жараёнлар назорат гуруҳидаги аёллар билан бир хил бўлиб, 12 ой оралиғида БИВ интраоперацион ва интервалли киритилган аёлларда узунлиги бўйича $60,3 \pm 0,7$ мм ни, қалинлиги бўйича $41,1 \pm 0,8$ мм ни, кенглиги бўйича $56,4 \pm 0,5$ мм ни ташкил этган. БИВни қўллашда эндометрийнинг ўзгаришлари назорат гуруҳи билан ўхшаш бўлган, аммо йилнинг охирида БИВ интраоперацион киритилган ва БИВ интервалли киритилган аёлларда ҳайз даврининг биринчи ва иккинчи ярмидагидек, эндометрийнинг қалинлиги контрацептивлардан фойдаланмайдиган аёлларга қараганда ишончли тарзда камроқ бўлган. Шунингдек, диссертант томонидан, туғруқдан кейин олти ҳафта ва уч ой ўтгач, БИВ-бачадон туби ва БИВ-миометрий масофаси БИВ интервалли киритилгандаги каби ўлчовлар кўлами чегарасида бўлган ҳамда бир йил давомида симптомлар туфайли экспульсия ва БИВни олиб ташлаш бўлган ва бўлмаганлар орасидаги аёлларда бир хилда бўлганлиги аниқланди (7-расмга қаранг).



7- расм. БИВ-бачадон туби, мм



8-расм. БИВ-миометрий, мм

Шундай қилиб, операциядан кейинги даврда репродуктив тизим аъзоларининг эхографик кўрсаткичлари қўлланилаётган контрацептив воситаларга қараб ўзгаради.

Интраоперацион киритилган БИВнинг жинсий аъзолар микробиотасига таъсири ва йирингли-яллиғланишли асоратлар ривожланишининг учраш ҳолатлари таҳлил қилинди. Бактериологик текширув биринчи гуруҳ аёлларида ($n=40$) ва назорат гуруҳидаги аёлларда ($n=35$) амалга оширилди. Экмалар КК операциясидан олдин ва кейин 5-6-кунларида бажарилган.

Тадқиқот маълумотларининг шарҳи 2-жадвалда кўрсатилган қийматлар бўйича амалга оширилган.

2-жадвал

Бактериологик текширув кўрсаткичларининг интерпретацияси

Кўрсаткич	Интерпретация
“Манфий”	Натижа манфий, микрофлора ўсиши йўқ
$\leq 10^2$ КОЕ Сапрофит микрофлора	Натижа манфий, патоген микрофлора ажратилмаган
$\geq 10^2$ КОЕ Шартли-патоген микрофлора	Натижа мусбат

Изоҳ: -кам ўсиши- 10^2 , ўртача ўсиши- 10^3 , кўп ўсиши $\geq 10^4$

3-жадвалда кесар кесиш операциясидан олдин ва кейин асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи аёлларида *Lactobacillus* spp. бактериологик текширишнинг биргаликдаги натижалари келтирилган.

3-жадвал

Периоперацион даврда текширилган аёлларнинг бактериологик текшириш натижалари (*Lactobacillus* spp. $>10^7$ титрларда):

	Микроорганизмнинг концентрацияси	Операциядан олдин (%)	Операциядан кейин (%)	Chi2	P
1-гуруҳ	$<10^7$	22,6	31,7	1,003	0,317
	$\geq 10^7$	77,4	68,3	1,003	0,317
2-гуруҳ	$<10^7$	23,2	32,6	0,650	0,420
	$\geq 10^7$	76,8	67,4	0,650	0,420

Изоҳ: 1-БИКнинг постплацентар киритилиши (40 та аёл);

2-Назорат гуруҳи (35та аёл).

3-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, операциядан кейинги даврда текширилган гуруҳларда *Lactobacillus* spp. нинг деярли бир хилда сезиларли даражада камайиши қайд этилади ($P>0,05$).

Цервикал каналдан олинган материални бактериологик текширишда деярли барча аёлларда полимикробли манзара аниқланган. Кўпинча микроорганизмларнинг ассоциациясини шартли патоген микроорганизмларнинг турли бирикмаси намоён қилган. Турли микроорганизмларнинг аниқланиш сонлари ва бактериологик текширишда уларнинг концентрацияси ҳақидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, операциядан олдин кўпинча *G.vaginalis* (мос равишда, 5% ва 5,7%) аниқланган. БИВ қўлланилгандан кейин 5-6-кунда *G.vaginalis* 7,5% ($p>0,05$), назорат гуруҳида эса 8,6% ($p>0,05$) аниқланган.

КК операциясидан олдин иккала гуруҳ аёлларида *Staphylococcus* spp. мос равишда, 2,5% ва 2,9% ($p>0,05$) кузатилган. Абдоминал туғруқдан кейин БИВ интраоперацион киритилгандан кейин ва контрацепциясиз аёлларда бу кўзгатувчи оператив туғруқдан олдингидагидек сонда учраган (мос равишда, 2,5% ва 2,9%) ($p>0,05$).

Streptococcus spp. операциядан олдин ҳам, БИВ киритилгандан кейин 5-6-кунда ҳам асосий гуруҳ аёлларида аниқланмаган, назорат гуруҳида у 2,9%ида кузатилган ($\leq 10^4$) ($p > 0,05$).

4-жадвал маълумотларига кўра, операциядан кейинги даврда иккала гуруҳда шартли патоген микрофлора - *Ent. Faecalis*, *Enterobacteriaceae* spp. ва *E. Coli* нинг деярли бир хил $> 10^4$ концентрацияда ўсиши қайд этилади.

Умуман олганда, периоперацион даврда, бактериологик текширишда микроорганизмларнинг қуйидаги турига хос таркиби аниқланган: *Staphylococcus* spp., *Ent. Faecalis*, *Enterobacteriaceae* spp., *C. albicans*, *G.vaginalis*.

4-жадвал

Гуруҳлардаги аёлларнинг бактериологик текшируви натижалари ($> 10^4$ титрларда)

Кўзгатувчи тури	Концентрация	1-гуруҳ (n=40)		χ^2	P	2-гуруҳ (n=35)		χ^2	P
		Операциягача	Операциядан кейин			Операциягача	Операциядан кейин		
<i>Staphylococcus</i> spp.	$\leq 10^4$	1 (2,5%)	1 (2,5%)	0,000	1,000	1 (2,9%)	1 (2,9%)	0,000	1,000
	$> 10^4$	0	0	-	-	0	0	-	-
<i>Streptococcus</i> spp.	$\leq 10^4$	0	0	-	-	1 (2,9%)	1 (2,9%)	0,000	1,000
	$> 10^4$	0	0	-	-	0	0	-	-
<i>Ent. Faecalis</i>	$\leq 10^4$	0	1(2,5%)	1,013	0,314	1(2,9%)	2 (5,8%)	0,348	0,555
	$> 10^4$	0	1 (2,5%)	1,013	0,314	0	1 (2,9%)	1,014	0,314
<i>Enterobacteriaceae</i> spp.	$\leq 10^4$	0	0	-	-	0	0	-	-
	$> 10^4$	0	1(2,5%)	1,013	0,314	0	2 (5,8%)	2,059	0,151
<i>E.coli</i>	$\leq 10^4$	0	0	-	-	0	0	-	-
	$> 10^4$	0	1(2,5%)	1,013	0,314	0	1 (2,9%)	1,014	0,314
